O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ARXIVI NUSXASI INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2010 йил
10 июль
ШАНБА

№ 54
(12.274)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОИЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2010 йилнинг 1 августидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ҳамда ижтимоий нафақалар, стипендиялар миқдори ўрта ҳисобда 1,2 баравар оширилсин.

2. 2010 йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи – ойига 45 215 сўм;

ёшга доир пенсиялар – ойига 88 845 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд – ойига 45 215 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа – ойига 88 845 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 54 265 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2010 йилнинг 1 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Белгилансинки, 2010 йилнинг 1 августидан бошлаб барча турдаги пенсияларнинг ўртача 1,2 баравар оширилиши уларнинг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қайта ҳисоблаб чиқилишини инобатга олган ҳолда амалга оширилади, бунда 1991 йилнинг 1 январигача ва ундан кейинги йилларда тайинланган пенсияларнинг миқдори тенглаштирилиши назарда тутилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ўн кун муддатда пенсияларни қайта ҳисоблаш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин ҳамда барча турдаги пенсияларни оширишнинг аниқ миқдорларини белгиласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

6. Қуйидаги тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2010 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар:

бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи оширилиши 90 фоиз миқдорида республика давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳамда 10 фоиз миқдорида бюджет муассасалари ва ташкилотлари сметалари бўйича харажатларни мақбуллаштириш ҳисобидан;

пенсиялар, ижтимоий нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши республика давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилади.

7. Хўжалик ҳисобидаги бирлашма, корхона ва ташкилотлар 2010 йилнинг 1 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 16 ноябрдаги ПФ-4152-сонли Фармони (8-банди истисно қилинган ҳолда) 2010 йилнинг 1 августидан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 9 июль.

2010 ЙИЛ – БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ

ЁШ ЮЛДУЗЛАР ЖИЛВАСИ

Футбол бўйича жаҳон чемпионати атрофидаги шов-шувлар авжига чиққан пайтда вилоятимизда ҳам ҳаяжонларга бой футбол мусобақалари бўлиб ўтди.

Ўртачирчиқ туманидаги Навоий қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли стадионда "Футболимиз келажаги" республика турнирининг вилоят босқичи якун топди. Турли туман ва шаҳарларнинг 11-12 ёшли энг қобилиятли футболчилари ниҳоят ҳал қилувчи ўйинларга етиб келишди. "Маҳалла" хайрия жамғармаси ташкил этган мазкур футбол турнири Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари, Ички ишлар ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Футбол федерацияси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси билан ҳамкорликда ўтказилди.

Турнирнинг вилоят босқичи финал ўйинларида Чиноз туманидан "Афғон", Бекобод шаҳридан "Дўстлик", Бўстонлик туманидан "Марказий" ва Ангрен шаҳридан "Жигаристон" маҳаллаларининг футбол жамоалари ғолиблик учун ўзаро тўп сурдилар.

Энг аввал "Афғон" ва "Марказий" жамоалари майдонга тушди. Муросасиз кечган спорт баҳсида "Афғон" жамоаси ўз устунлигини намойиш эта олди. Натижа – 2:0.

"Дўстлик" ва "Жигаристон" футболчилари барча имкониятни ишга солиб, рақибга муносиб қаршилик кўрсатишди. Аммо уринишлар, ҳатто якка ўзи ҳимоя чизиғини ушлаб тура олган Ойбек Ормоновнинг шижоати ҳам бесамар кетди. Ҳисоб "Дўстлик" жамоаси фойдасига ёзилди.

(Давоми 4-бетда).

КЎРИКНИНГ ФОЙДАСИ КЎП

Оққўрғон туман хотин-қизлар қўмитасининг ташаббуси билан ҳар ойнинг шанба кунлари "Соғлом она – соғлом бола" ҳаракат дастури доирасида маҳаллалардаги хотин-қизлар ва ўсмирларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш куни деб, эълон қилинган эди.

Ўтган давр мобайнида хайрли ташаббус туфайли 300 дан зиёд оналар ва 150 нафар ўсмир қиз тиббий кўрикдан ўтказилди. Энг муҳими, кўрик давомида уларда аниқланган касалликларни даволаш ва профилактика қилиш юзасидан шифохоналарга йўлланмалар берилди.

Бу борада "Уста Нормат" маҳалла фуқаролар йиғинининг саъй-ҳаракати алоҳида эътиборга лойиқ. Маҳалла фаолларининг ташаббуси билан ҳудуддаги 150 нафар туғиш ёшидаги аёллар ва 36 нафар кам таъминланган оила фарзандлари тиббий кўрикдан ўтказилди. Бу ташаббус туманда тобора оммалашиб бормоқда.

Ўз мухбиримиз.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

БЎКА ТУМАНИ

НУРЛИ КЕЛАЖАК ЭГАЛАРИ

Тумандаги маиший хизмат касб-ҳунар коллежида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими кенгаши, вилоят ОИТСга қарши курашиш маркази ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Очиқ мулоқот шаклида ўтган тадбирда ўқувчи-ёшлар мутахассислардан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди. Ёшларнинг бўш вақтини фойдали машғулотлар билан ўтказиш, спорт билан мунтазам шуғулланиш учун уларга ҳар томонлама кўмаклашиш борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

"Туркистон-пресс".

ЗАНГИОТА ТУМАНИ

ХОНОБОДНИНГ ЯНГИ МАКТАБИ

Хонобод қишлоғида янги мактаб биноси қурилди. Уч юз эллик ўринга мўлжалланган ўқув муассасасида ҳозирда сўнгги пардозлаш ва жиҳозлаш ишлари кетмоқда.

Янги ўқув йилини 47-умумтаълим мактаби сифатида бошлайдиган ушбу масканга ўқитувчилар танлов асосида қабул қилинмоқда.

Равшан РУСТАМОВ.

ПАРКЕНТ ТУМАНИ

МУҚОБИЛ МАНБАЛАР ЕТАРЛИМИ?

Тумандаги "Физика-Қуёш" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида "Энергиянинг муқобил манбаларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш – давр талаби" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги "Адолат" социал-демократик партия фракцияси, Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлик гуруҳи аъзолари, олимлар, соҳа мутахассислари, экологлар, тегишли ташкилотлар ва муассасалар вакиллари иштирок этди.

Тадбирда таъкидланишича, юртимиз иқлим шароитида қуёш, сув, шамол, биогаз сингари ноанъанавий энергия манбаларидан фойдаланишнинг улкан имкониятлари мавжуд. Шу боис, энергетика стратегиясининг асосий йўналишлари сифатида энергия ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, энергетикада бозор субъектлари ва бозор инфратузилмасини ташкил этиш орқали рақобат муҳитини босқичма-босқич шакллантириш, соҳадаги меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Эргаш ХЎЖАЕВ,
"Туркистон-пресс".

ҚИШЛОҚ МУЛКДОРЛАРИ

ҲАР ТУП ҒЎЗА ҚАДРЛИ

Ўртачирчиқ туманида Холдор Неъматиллаевни илғор фермер сифатида яхши танишади. Туманда пахтачилик, ғаллачиликда унга етадигани йўқ. Ҳақиқий ер эгаси.

Қорасув қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Раҳимжон Қодиров билан суҳбатлашганимизда қизиқ бир воқеани гапириб берди:

– Бунга анча йиллар бўлди. Ёзнинг иссиқ кунлари, айни ғўза шоналаган дам. Вилоят ҳокимлигидан муҳим топшириқ билан кечроқ қайтдим. Буни зудлик билан Холдор акага етказиш зарур эди. Ярим тун бўлишига қарамай фермерни изладим. Буни қарангки, уни уйда эмас, далада учратдим. Нима гап десам: "Ғўзаларим билан гаплашаётган эдим, сиз халақит бердингиз", деб аския қилганди ўшанда. Қишлоқдошлар баъзан ҳазиллашиб: "Холдорнинг онаси пахтазорда туққан", дейишлари бежиз эмас-ов. Чунки унинг ерга меҳри бўлакча. Деҳқон фарзанди-да.

... Ҳокимликдаги йиғилиш узоққа чўзилмади. Холдор Неъматуллаев билан фойеда учрашдик.

– Гапингиз бўлса далада суҳбатлашсак, вақтим зиқ.

У шундай дедию, "Дамас" машинаси томон юрди. Фермернинг очиқлиги, дангаллиги менга маъқул келди.

(Давоми 2-бетда).

ОҚ ЙЎЛ, БИТИРУВЧИЛАР!

Юртимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури бераётган ижобий самаралар ҳукуматимизнинг малакали мутахассислар тайёрлашда оқилона йўл тутганини амалда кўрсата бошлади. Таълимнинг навбатдаги босқичи бўлмиш касб-ҳунар коллежлари минглаб ёшларимизни ҳаётга тайёрлабгина қолмай, уларнинг дунёқарашини ошириб, ўзлари қизиққан касбларга йўналтирмоқда.

Вилоятимиздаги касб-ҳунар коллежларида навбатдаги битирувчиларга диплом топшириш маросимлари ўтказилаяпти. Тошкент туманидаги Кенсой агросаноат ва бизнес касб-ҳунар коллежида ўтказилган шундай маросим битирувчилар ёдида бир умрга сақланиб қоладиган бўлди, десак янглишмаймиз.

КЕЛАЖАККА ЯНА БИР ҚАДАМ

Шу куни шўх мусиқа садолари тонгданоқ атрофни тутди. Истиқлолимизни, она Ватанни улуғловчи шиорлар осилиб, ранг-баранг безатилган коллеж ҳовлиси меҳмонларни байрамона руҳда бағрига олди. Саф тортган ўқувчилар, битирувчиларнинг ял-ял ёнган чеҳралари ўзгача бир кайфиятдан дарак беради. Ахир, 3 йил шу даргохда олинган таълим-тарбия битирувчиларга, таъбир жоиз бўлса, кузда ҳосил йиққан деҳқон ҳис этадиган сурурни бахш этади.

Маросимга коллеж битирувчиларининг ота-оналари, меҳнат фахрийлари ва қуйи курс ўқувчилари ҳам таклиф этилгани айни муддао бўлди. Зеро, бу маросим болаларини илмга қизиқтирган, керак пайтда уларга далда берган ота-оналар учун бир мукофот бўлса, бўлажак 3-курс ўқувчилари учун ибрат вазифасини ўташи шубҳасиз.

– Бугун 446 битирувчига диплом топширамиз, – дейди коллеж директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Дурдона Мустафоева. – Битирувчиларимиз 9 та йўналиш бўйича таълим олишди. Улардан 15 таси илм олишдаги катта ютуқлари учун имтиёзли дипломни қўлга киритишди.

Шуни қувонч билан эътироф этиш керакки, битирувчиларнинг аксарияти ўз мутахассисликлари бўйича тегишли корхона ва ташкилотларга ишга жойлашиш бўйича уч томонлама шартномалар имзолашга муваффақ бўлишди. 20 га яқин битирувчи эса турли олий ўқув юртларида таълимни давом эттириб, олий маълумот олишни ният қилган.

– Ҳуқуқшунос бўлиб жамият тараққиётига ҳисса қўшмоқчиман, – дейди коллежни хўжалик ҳуқуқшунослиги йўналиши бўйича имтиёзли диплом билан битирган Бекзод Исмоилов. – Шу мақсадда Тошкент Давлат юридик институтига ҳужжат топшираман. Коллежда олган билимларимиз яқинлашиб келаётган имтиҳонларда менга асқотишига ишонаман.

Маросим сўнгида 2009-2010 ўқув йилининг энг яхши педагог ходимлари ва иқтидорли ўқувчилар муносиб тақдирландилар. Ёшлар эса Ватан ва устозларга эҳтиром йўғрилган, ёшлик ва истиқлолни улуғловчи шеърлардан ўқиб беришди. Туман, вилоят, республика ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда катта ютуқларга эришган коллеж ўқувчиларининг саҳналаштирилган спорт чиқишлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Абулфайз САИДАСҚАРОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

СУРАТЛАРДА: маросимнинг энг ҳаяжонли лаҳзаларидан лавҳалар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

БОЛАЛАР ЁЗИ – 2010

ТАЪТИЛ КУНЛАРИ МАРОҚЛИ

Мактабларда охирги битириш имтиҳонлари тугаб, ўқувчилар ҳаётида янги палла бошланди. Бир гуруҳ болажонлар ёзни табиат қўйнида ўтказишаётган бўлса, айримлари ўз мактаблари қучоғида дам олишни маъқул кўришмоқда.

Чирчиқ шаҳридаги 17-умумий ўрта таълим мактаби қошида ҳам кундузги соғломлаштириш оромгоҳи ташкил этилди. Унда 1-6-синф ўқувчилари дам олиб, янги ўқув йили учун куч тўплашяпти. Кам таъминланган оилаларнинг 110 нафар фарзанди кун давомида вақтларини чоғ ўтказишлари, тўлақонли овқатланиб, соғлиқларини тиклашлари учун барча шароит яратиб берилди. Турли мусобақа ва маданий-маърифий тадбирлар болажонлар учун таълим-тарбиянинг қизиқарли давоми бўлмоқда.

Аммо мактабда ёзги тадбирлар шу билан тўхтаб қолаётгани йўқ. Яқинда бу ерда янги соғломлаштириш гуруҳлари иш бошлади. Машғулотлар соат 9 дан 12 гача давом этадиган ушбу ўзига хос тўгаракларда болалар вақтни беҳуда кетказмайдиган бўлишди. Боиси, бу ерда мусиқа ва рақс тўгараклари ташкил этилган бўлиб, улар болаларни ўзига жалб этаяпти.

– Мен мусиқа тўгараги машғулотларида қатнашаяпман, – дейди 4-синф ўқувчиси Армана Собитова. – Бу ерда нафақат миллий, балки замонавий мусиқа санъати бўйича қўшимча билимларга эга бўляпмиз. Янги мусиқий композицияларни ўзлаштириб, мустақил ижро этишга ҳаракат қиляпмиз. Мазкур тўгаракларда ўқувчилар ўзлари ёқтирган машғулотларда иштирок этишмоқда. Улар орасида дўстлари даъвати билан келган болалар ҳам йўқ эмас.

– Аслини олганда, шахмат ва шашка бўйича мусобақаларни маъқул кўрардим, – деб гап бошлади 3-синф ўқувчиси Алмас Тургилев. – Лекин турли байрам кечаларида ҳамма ўйинга тушса, мен четда ўтиришим алам қилди. Ҳозир тўгаракларга қатнаб, тўрт хил рақс тушишни ўрганиб олдим.

Ўқувчиларнинг дам олишлари мазмунли ўтиши учун ҳар куни кино ва мультфильмлар намойиш этилади. Шаҳардаги 22-мактабгача таълим муассасасининг сув ҳавзасида "Нептун кунлари" уюштириб турилади.

– Фарзандларимиз ёзни шод-хуррам ўтказиш билан бирга таълим-тарбия ҳам олишади, – дейди мактаб директори Закира Нургизарова. – Бекорчилик ва нобоп "дўстлар" давраси таъсирида ахлоқан бузилиш хавфидан узоқ бўлишади. Шу мақсадда ахлоқ-одоб мавзусидаги суҳбатлар ва маданий тадбирлар, фан викториналари, спорт мусобақалари ўтказиб турибмиз. Бундай тадбирлар ўқувчиларнинг билимларини мустаҳкамлайди, улардаги илм-фанга қизиқиш сусаймаслигига ёрдам беради.

17-умумий ўрта таълим мактабидаги соғломлаштириш гуруҳлари 20 августгача фаолият кўрсатади. Шундан кейин ўқувчилар бироз уйларида дам олиб, яна севимли мактаблари қучоғига қайтишади.

Абдулла ФАЙЗИЕВ.

Болажонлар учун эсда қоларли давр – ёз фасли давомида оромгоҳлар ўқувчилар билан доимо гавжум бўлади. Уларнинг саломатликларини тиклаш, мароқли, энг муҳими, хавфсиз дам олишларига катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, санитария-гигиена қоидаларига, соғлом овқатланиш тарзига амал қилиш, турли юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш доимо назоратда.

ИНТИҚ БОРИБ, ТЕТИК ҚАЙТИНГ



Саломатлик ва тиббий статистика институтининг вилоят филиали оромгоҳларда тарғибот тадбирлари ўтказиб келмоқда. Ҳозиргача Бўстонлиқ туманидаги «Ҳумо», «Тонг», «Ёшлик» ва «Чимён», Бекободдаги «Ёш цементчи», «Кимёгар», Ангрендаги «Коинот» ва «Йўлчи» оромгоҳларида «Ўткир юқумли ичак касалликларининг олдини олиш» мавзуларида маданий-маърифий суҳбатлар ўтказилди.

Мутахассислар интерфаол усулда ташкил этаётган мазкур тадбирларда ёзда табиат неъматларини истеъмол қилишда гигиена талабларига риоя этиш, шунингдек, юқумли ичак касалликларининг аломатлари ҳақидаги маълумотларни болажонларга содда тилда тушунтирмоқдалар.

Фарида КОМИЛОВА,
Саломатлик ва тиббий статистика институти ходими.



ҲАР ТУП ҒЎЗА ҚАДРЛИ

Машинамиз Қорасув канали ёқалаб бориб, ўнгга бурилди. Икки томонимиз ҳам ғаллазор. Уларга қараб, одамнинг ҳаваси келади. Мавжланиб турган буғдой бошоқларида бир ҳикмат бордек.

– Биласизми, дунёда ҳақиқий мўъжиза нима? – Фермер дабдурустдан берган саволига зум ўтмай ўзи жавоб қайтарди. – Буғдой донаси. Чунки, дон залворли тупроқ юкини енгиб, инсонларга ризқ-насиба беради. Мана сизга мўъжиза!

Фермердан фаолияти ҳақида сўраймиз.

– Деҳқончилик билан 50 йилдан бери шуғулланиб келаман. 116 гектар еримиз бор, шундан 56,5 гектарига буғдойнинг "Крошка", "Таня" навини экдик. 59 гектар майдонга эса чигит қададик. Бу йил ғалламиз чакки бўлмади, ўрим-йиғимни вақтида тугатдик, давлатга 125 тонна сара дон топширдик. Режани 110 фоиз қилиб бажардик. 9 гектар майдондаги дон хўжалигимизга қолди. Меҳнатимизга яраша фойда олдик. Ҳозир бозор иқтисодиёти – ҳамма нарса ҳисоб-китобли. Меҳнат қилдингми, фойдасини ҳам кўр.

Баъзилар ерим бўлса мен ҳам бой бўлардим, деб хаёл қилади. Деҳқончилик осон иш эмас. Бунга тажриба, малака ва катта меҳнат керак. Мисол учун яхши деҳқон 10 сотих ердан 3 тонна картошка олади. Деҳқон уқувли бўлса эл ризқи баракали бўлади...

Машинамиз соя-салқин биноға яқинлашди.

– Бу жой замонавий тил билан айтганда бизнинг офисимиз, ҳар ҳолда қаҳва бўлмаса-да, ҳақиқий булоқ суви билан сийлаймиз, – деди фермер машинадан тушар экан.

Суҳбатимиз ариқ бўйидаги супада давом этди.

– Хўжалигимизда 40 нафар ишчи ишлайди. Ерни кўкартиришнинг ўзи бўлмайди. Тажрибали сувчи, тракторчи ҳаводек зарур. Ўтган йили пахтачиликдан мўл ҳосил кўтардик. Давлатга 184 тонна пахта топшириб, режани 150 фоизга бажардик. 34 миллион сўм соф даромад олдик. Бу йил ҳам ғўзаларимиз чакки эмас. Эрта эксанг, эрта оласан, деганларидек чигитни барвақт ундирдик. Ғўзаларимиз дуркун. Ўз вақтида қилинган агротехник тадбирлар мўл ҳосил гаровидир. Шу кунгача ғўзалар 4 марта культивация қилинди, 6 марта озиқлантирилди. Ҳақиқий деҳқон учун ҳар туп ғўза қадрли. Биласизми, деҳқончиликда ғўза чанглаши деган гап бор. Бу ғўза ривожида катта аҳамиятга эга. Шу боис ҳам мен доим тонг саҳарда ғўза ораларида юришни одат қилганман. Суғориш ҳам ғўза ривожидаги энг масъулиятли дам ҳисобланади.

Мана шу кезларда деҳқон адашмаса юқори ҳосил кўтариши аниқ. Уста пахтакорлар бу жараённи яхши билади. Агар ғўзанинг энг юқори барги қайрилганда синмаса, суғориш вақти келмаган бўлади. Бу вақтда эгатларга сув таралса экин ғовлаб кетади. Суғориш кечикса ҳам ёмон, ҳосил яхши бўлмайди.

Мен Холдор аканинг ҳақиқий деҳқон эканлигига қойил қолдим. Бунинг сири нимада эканлигини сўрадим.

– Тажрибани ҳам, малакани ҳам мана шу далада, меҳнат орқали орттирганман. Фермер кўпроқ далада юриши керак. Ер ҳам тирик жон, унга астойдил меҳр берсангиз, мақсадга эришасиз.

Бу гапларни фермер ўз фаолияти давомида кўп бор исботлаб келмоқда.

Улуғбек ҲАМРОҚУЛОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

СУРАТДА: фермер Холдор Неъматуллаев.
Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

СОҒЛОМ ОНА – СОҒЛОМ БОЛА

СУҲБАТ МАЗМУНЛИ, МУЛОҚОТ ЖИДДИЙ

Вилоятимизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда "2009-2013 йилларда репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги қарорлари ижросини таъминлаш бўйича кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Қибрай туманида ҳам бу борадаги чора-тадбирлар изчиллик касб этиб бормоқда. Жумладан, маҳаллаларда аҳолининг тиббий маданиятини ошириш мақсадида соғлом турмуш тарзини тарғиб этувчи мутахассислардан иборат махсус гуруҳлар тузилиб, маҳалла маслаҳатчилари ва патронаж ҳамширалари билан ҳар ойда тезислар асосида 9480 та суҳбат ташкил этилди. Оилада тиббий маданиятни ошириш юзасидан халқ таълими бўлими, маҳалла маслаҳатчилари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, ҳудудлардаги қишлоқ врачлик пунктлари шифокорлари иштирокида "Соғлом турмуш тарзи ва оила", "ОИВ/ОИТС – профилактикаси", "Репродуктив саломатлик", "Она сутининг аҳамияти", "Соғлиғимиз ўз қўлимизда", "Туғуруқлар оралиғини сақлаш", "Яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш" ва бошқа кўплаб мавзуларда давра суҳбатлари ташкил этилди.

Тумандаги маҳалла фуқаролар йиғинларида фаолият кўрсатаётган диний-маърифий, маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар томонидан кам таъминланган оилалар, тиббий ёрдамга муҳтож аҳоли вакиллари, хусусан, хотин-қизлар, ёшларни аниқлаш ва уларни соғломлаштириш, моддий-маънавий ёрдам кўрсатиш доимий эътиборда. Ҳозирга қадар 30127 та оила ўрганилиб, 1162 тасига моддий, 1769 тасига тиббий, 593 нафарига маънавий ёрдам кўрсатилди, 110 та оила фойдали меҳнатга жалб этилди.

Юлдуз ФАЗЛИДДИНОВА.

СУРАТДА: (чапдан ўнгга) туман "Маҳалла" жамғармаси бош мутахассиси Дилором Турсунова, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Моҳира Хўжаева, ҳокимлик бош мутахассиси Малоҳат Эгамназарова навбатдаги вазифалар хусусида фикрлашмоқдалар.
Даврон АҲМАД олган сурат.

АНЖУМАН

ХАВФНИНГ ОЛДИ ОЛИНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигида эпидемик ва эпизоотик вазият ҳамда барқарорликни таъминлаш борасида олиб борилаётган профилактик чора-тадбирларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 22 сентябрдаги "Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори, "Вазирликлар, идоралар ва давлат бошқаруви органларининг Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш, теледастурлар савияси ва сифатини ошириш юзасидан 2009 йил ва кейинги йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳукумат дастури ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази, Давлат божхона қўмитаси мутахассислари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Матбуот анжуманида билдирилишича, охирги пайтларда айрим хорижий мамлакатларда оқсим, брученллёз, парранда ва чўчқа гриппи, пастереллёз, куйдирги ва қрим-конго геморрагик касалликларининг кенг тарқалиши кузатилмоқда. Улар мамлакатимизга кириб келишининг олдини олиш мақсадида юртимизда кенг кўламли профилактика ишлари олиб бориляпти.

Давлат чегараларидан ўтиш жойларида иситмаси бор меҳмон ва фуқароларни ҳамда касаллик аломатлари гумон қилинган парранда ва чорва молларини текшириш учун тўла жиҳозланган назорат масканлари бунёд этилди. Мамлакат ҳудудига кириб келаётган транспорт ҳамда техника воситалари дезинфекция қилинмоқда. Мамлакат ичида бундай хавфли касалликларга қарши эмлаш жараёни жиддий назоратга олинган.

Анжуманда Ўзбекистондаги эпидемик ва эпизоотик вазиятни барқарор ушлаш, аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини янада кучайтириш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ўртага ташланди. Бу борада оммавий ахборот воситалари зиммасида улкан масъулият борлигига алоҳида урғу берилди.

Саид АСҚАРОВ.

ФАРМОН ВА ИЖРО

БАНК ТАСАРРУФИГА ЎТГАЧ, ГУЛЛАДИ

Барқарор ривожланаётган корхона иқтисодиёт таянчи эканлиги шубҳасиз. Гарчи бозор иқтисодиёти шароитида корхона тараққиёти ва бошқаруви теварагидаги қийинчиликлар аввало корхона раҳбариятининг муаммоси ҳисоблансада, охирги йилларда ҳукуматимиз томонидан миллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, корхоналарнинг барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилган кўплаб меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда. Бундай ҳужжатларни ҳаётга татбиқ этиш, уларнинг ижросини таъминлаш қанчалик самарали эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.



Вилоятимиздаги йирик корхоналардан бири ҳисобланган собиқ "Cast" қўшма корхонаси ҳам иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолгач, банкрот деб эълон қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги "Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва 2008 йил 19 ноябрдаги "Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида, корхона мол-мулки бир пайтлар унга молиявий хизматлар кўрсатган "Ипотека-банк" Тошкент вилоят бошқармасининг Чирчиқ филиали балансига қабул қилинди. Собиқ "Cast" қўшма корхонаси эса қайта ташкил этилди: банкнинг 100 фоизлик улуши билан "Gazalkent Granite" масъулияти чекланган жамияти тузилди.

Ушбу корхонанинг асосий иш фаолияти сифатида гранит ва мармар плиталари ишлаб чиқариш белгиланган. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида корхонани тўла қувватда ишга тушириш билан боғлиқ ташкилий ишлар амалга оширилди. Янги корхонада 25 та иш ўринлари яратилиб, маҳаллий аҳоли вакиллари доимий иш билан таъминланди.

Корхонадаги мавжуд асбоб-ускуналарни қайта таъмирлаш, зарур эҳтиёт қисмларни сотиб олиш ва харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариб сотиш мақсадида "Ипотека-банк" АТИБ Чирчиқ филиали томонидан қўшимча равишда 300 миллион сўм миқдорида инвестиция киритилди. Ушбу маблағ ҳисобига чет эллик ҳамкорлар билан хом ашё ва эҳтиёт қисмлар харид қилиш бўйича шартномалар имзоланди. Ҳозирги кунда ушбу маҳсулотлар корхонага келтирилиш арафасида.

Корхона ўз иш фаолиятини янгитдан бошлаганидан буён мавжуд асбоб-ускуналар ресурсларидан фойдаланган ҳолда жорий йилнинг май-июнь ойларида жами 78 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Киритилган инвестициялар ҳисобидан сотиб олинадиган эҳтиёт қисмлар ўрнатилгандан сўнг йил якунига қадар яна 600 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш режалаштирилмоқда.

Отабек АНВАРОВ.

СУРАТДА: корхонадаги иш жараёнидан лавҳа.

Юртимизда иқтисодий ислоҳотларнинг муваффақиятли амалга оширилишида, аҳоли турмуш фаровонлигининг юксалишида банк кредитларининг ўрни катта. Шу боис аҳолининг микрокредит олишга бўлган талаб ва эҳтиёжини қондиришда тижорат банклари самарали хизмат қилмоқда. Биргина "Микрокредитбанк"нинг Пискент филиали томонидан жорий йилнинг ўтган 6 ойи мобайнида мижозларга жами 1 миллиард 26 миллион сўмдан ортиқ кредит маблағлари ажратилганлиги бунинг яққол далилидир.

ХОҲИШИ БОРГА, ИМКОНИЯТ ЕТАРЛИ

Ажратилаётган кредитларнинг аксарияти қишлоқ хўжалиги, саноат ишлаб чиқариши, савдо ва сервис соҳасини ривожлантиришга, аҳолининг турмуш фаровонлигини яхшилашга, ёш оилаларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилмоқда.

"Давлат эҳтиёжлари учун пахта ва ғалла етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарини имтиёзли кредитлаш тартиби"га асосан 2010 йилда пахта етиштирувчи фермер хўжаликларига 3 миллиард 471 миллион сўмдан, ғалла етиштирувчи фермер хўжаликларига эса 1 миллиард 535 миллион сўмдан зиёд имтиёзли кредит ажратилди.

Шуни таъкидлаш лозимки, банк томонидан ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунончи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига асосан 8 та ёш оилага уй жиҳозлари сотиб олишлари учун йигирма саккиз миллион етти юз минг сўм имтиёзли асосда истеъмол кредитлари ажратилди. Шунингдек, 7 нафар олий ўқув юрти талабасига 5 миллион 811 минг сўм таълим кредитлари берилди.

Бу банкда бўлганимизда фурсатдан фойдаланиб, айрим мижозларни суҳбатга тортдик.

– Банк томонидан 7,5 миллион сўм имтиёзли истеъмол кредити олишга муваффақ бўлдим, – дейди ёш оила соҳиби Анвархон Бобохонов. – Бунинг эвазига мебель жиҳозлари сотиб олдим. Биз каби ёш оилалар учун истеъмол кредитлари жуда қулай ва афзал экан. Барча керакли ҳужжатларни ўз вақтида расмийлаштириб, кредит олишимга кўмаклашган банк ходимларидан миннатдорман.

Айтиш мумкинки, туманда ёш тадбиркорларнинг иш фаолиятини ривожлантиришда ҳам микрокредитларнинг ўрни катта бўлаяпти. Бу ҳақда сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган хусусий корхона раҳбари Рашодхон Мўминов шундай дейди:

– Банкларда яратилаётган имкониятлардан мақсадли фойдаланган одам асло ютқазмас экан. Банкдан 14 миллион сўм кредит олиб, корхонамиз ишини анчагина жадаллаштирдим. Натижада сут маҳсулотларини қайта ишлаб, аҳолига қаймоқ, пишлоқ, творог етказиб бериш ҳажми ортди. Буларнинг барчаси банк кредитидан унумли фойдаланганлигимиз туфайлидир.

– Бевосита банкимиз кўмагида туманимизда савдо ва сервис соҳасида яна 5 та янги савдо нуқталари ташкил қилинди, – дейди филиал бошқарувчиси Раҳмонжон Воҳидов. – Шунингдек, маблағларимиз ҳисобидан туман марказидан олисда бўлган Саид қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида янги маиший хизмат кўрсатиш объектлари қурилиши кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, фермер хўжаликларига техника сотиб олишларида мунтазам ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Бунинг натижасида эса фермер хўжаликлари ўз техникаларига эга бўлаётирлар.

Камолиддин АСҚАРОВ.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

Оиламиз билан кўп қаватли уйда яшаймиз. Яқинда қўшнимизникида ёнғин содир бўлди. Нима қиларини билмай қолган Саломатхон ёнғиндан анча азият чекди. Тўрт яшарли ўғли оғир жароҳат олди.

Ёнғин чиққан пайтда аввало нимага эътибор бериш керак? Ўт ўчирувчилар келгунча бирор чора кўриш мумкинми?

Матлуба УМРЗОҚОВА,
Тошкент шаҳри.

БУЮМ ЭМАС, ЖОННИ АСРАНГ

Саволга ИИБ ёнғин хавфсизлиги бошқармаси кичик инспектори Темур Абдураимов жавоб беради:

– Кўп қаватли уйларда ёнғин содир бўлганда, одам ўзини йўқотмаслиги керак. Ёнғинни пайқашингиз билан вазиятни ва ўз кучингизни тўғри баҳолашга ҳаракат қилинг. Биринчи навбатда ўт ўчирувчиларни чақириш даркор. Бундай қалтис вазиятда ўз вақтингизни ва кучингизни мол-мулк, буюмларни сақлаб қолишга сарфламанг. Нима қилиб бўлса ҳам ўзингизни ва атрофингиздаги кишиларни қутқаришга ҳаракат қилинг. Аввало, болаларни ва қарияларни ёнғин бўлаётган жойдан мумкин қадар узоқроққа олиб ўтинг. Чунки, газ баллонлари ва бензин солинган идишлар бўлса портлаши мумкин.

Агар ёнғин уйнинг кириш йўлагида содир бўлса, хонадонга тутун тўлмаслиги учун кириш эшигини бирор-бир ҳўлланган мато билан маҳкам беркитиш керак. Бундай вазиятда энг хавфсиз жой деразаларнинг ёни ёки балкон ҳисобланади. Чунки, ўт ўчирувчилар айни шу ердан жабрланувчиларни қутқариб олишлари осон бўлади. Балконга чиққач, эшикни зичлаб ёпиш лозим. Чунки, аланга ва тутун ҳамиша пастдан тепага қараб ўрлайди. Шу сабабли ҳам баланд қаватдаги кишилар, айниқса, ҳушёр бўлишлари зарур.

Агар беҳосдан тутунга тўлган йўлакда қолиб кетилса, деворга суянган ҳолда ташқарини мўлжал олиб, чиқиб бориш лозим. Зиналардаги тутқичлар кўпинча боши берк жойга олиб бориши мумкин. Бундай вазиятда имкон қадар камроқ нафас олиш керак. Сабаби, тутун ўта заҳарли, иссиқ ҳаво эса ўпкани куйдириши мумкин. Ҳеч қачон лифтдан фойдаланиш керак эмас. Чунки, ёнғин пайтида ҳар дақиқада лифт ўчиб қолиши ёки ташқаридан тўхтатиб қўйилиши мумкин.

НИГОҲ

АҲВОЛ ҚАЛАЙ, ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИ?

Тожикистонда ижтимоий-иқтисодий таназзул ҳукм суриб турган ҳозирги пайтда мамлакат президенти Имомали Раҳмоннинг қариндошлари давлат ғазнасини ўмариб, шахсий ҳамёнларини қаппайтириш билан бандлар. Бунинг устига республика ҳукумати ҳам шунчалик тубанликка юз тутдики, тожик халқи елкасини яғир қилиб топган маблағни кўкларга совуришдан уялмаяпти.

Имомали Раҳмон ўз фарзандлари Тахмина, Озода ва Рустамларга шу қадар эрк бериб қўйдики, энди бунинг жазосини ўзи тортаяпти. Болалар оталарига мутлақо қулоқ солмай қўйишган. Тахмина Раҳмонованинг хусусий тадбиркорларнинг мулкларини ноқонуний йўллар билан ўзлаштириб олаётгани ҳақидаги шикоятларнинг кўпайиб кетгани Имомали Раҳмонни ўз фарзандларидан бундай бемазагарчиликни бас қилишни талаб этишга мажбур қилди. Аммо бу сафар ҳам фарзандлар оталарининг гапига қулоқ солмадилар. Жамоатчилик кўз олдида юз берадиган оилавий жанжаллар сабабли Тахмина Саудия Арабистонига кетиб қолиб, илгари Ички ишлар вазирлиги тизимида турли раҳбар лавозимларда ишлаган Абдушариф Давлатовнинг ўғли – бизнесчи Зариф Давлатов билан яшамоқда.

"Ориенбанк" очиқ акциядорлик жамияти бошқарувининг собиқ раиси Ҳасан Саъдуллаев 2006 йилда Турсунзода туманидаги Фрунзе участкасидан 50 гектар ер олган эди. Одамларнинг гапларига қараганда, ўша ердан фойдаланиш масаласида Ҳасан Саъдуллаев билан туман маъмурияти раиси Баракатулло Аҳмедов орасида бир неча марта жанжал чиқди. Кейинчалик банкир ўлганлиги ҳақида хабар тарқалгач, ерга Тахмина эгалик қилиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишдан мўмай даромад ола бошлади.

Бунга ҳам қаноат қилмаган Тахмина тақдирнинг ўзи унга ҳадя этган имкониятдан (ахир у президентнинг қизи-да!) фойдаланиб, ўзини бизнес оламининг турли соҳаларида синаб кўришга уринмоқда. Ҳозир унинг завқ-шавқ билан шуғулланаётган машғулоти республикага гиёҳвандлик моддаларини олиб келишдир. Унинг қўли остидаги транспорт компаниясининг 200 дан зиёд машинаси бор. Бу транспорт воситаларида Эрон-Покистон-Афғонистон-Тожикистон йўналишида асосан қурилиш ашёлари ташилади. Демак, мамлакатга четдан катта миқдорда гиёҳвандлик моддаларини олиб кириш учун қулай шароит бор. Афғонистон-Тожикистон чегарасидан "Дўст" назорат пости орқали ўтишда бу машиналарни чегара ва божхона кўригидан ўтказиш у ёқда турсин, улар ҳатто, тўхтатилмайди ҳам. Чегарачи ва божхонадагилар машиналарнинг кимга тегишли эканлигини махсус давлат рақамига қараб, дарров танишади. Рақамларни эса Тахмининг шахсан ўзи танлаган.

Президентнинг иккинчи қизи Озода Раҳмонова – ҳам "омади юришган" бизнеследи, ҳам Тожикистон ташқи сиёсат идораси раҳбарининг ўринбосари. У автомашиналарга хизмат қиладиган 50 дан зиёд газ станцияларига эга "ТожЭрон" фирмасини ҳам тасарруф этади. Айнан Озоданинг ёрдамида бу фирма газни "Тожикгаз" давлат унитар корхонасидан ҳамма қонун-қоидаларни бузиб олади.

Озоданинг "енг ичида" берган кўрсатмасига мувофиқ "ТожЭрон" фирмаси трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик техникаларини йиғиш учун керак бўладиган эҳтиёт қисм ҳамда бошқа зарур нарсаларни четдан олиб келишда божхона солиғидан озод қилинган. Бу эркинлик фирмага нафақат эҳтиёт қисмлар, балки кенг истеъмол моллари, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш имконини яратди.

Рустам Имомали ёшлар ташкилоти раисининг ўринбосари лавозимига тайинлангач, кейинги президент ким бўлишини ҳамма тушунди. У фақат президент оиласига яқин кишиларнинг фарзандлари иштирокида "Ягуар" русумли хориж машиналарида кўчаларни тўлдириб ўтказиладиган пойгаларнинг ташкилотчиси. Кейинги пайтда харид қилган нарсаларидан бири махсус буюртма асосида тайёрланган нархи 450 минг евро турадиган "Мерседес" бўлди.

Бундай тартибсизликлардан безор бўлган оила бошлиғи бироз чалғиш ва ором олиш учун ўзини спиртли ичимликларга уришдан ўзга чора тополмаяпти. Ичкиликка ҳаддан зиёд ружу қўйиш сурункали маст-аластликка олиб келди. Хуллас, оқибат шу бўлдики, миллат отаси энди ҳар куни кечки шоҳона овқатдан сўнг ўз яқинлари даврасида кайфи тароқ ҳолда ҳинд фильмларини томоша қилиб, ўз меҳмонларини фильмдаги қўшиқларга рақсга тушишга мажбур қилиб ўтирибди.

Шуниси ажабланарлики, Имомали Раҳмон деярли барча давлат қарорларини маст ҳолда қабул қилади, оқибатини ўйлаб кўриш хаёлига ҳам келмайди. Шу сабабли, айрим маҳаллий экспертларнинг гапларига қараганда, республика учун стратегик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга объектлар қурилишига оид қарорлар маст ҳолда қабул қилинади ва сарфланадиган маблағ халқни талаш йўли билан қопланади. Роғун ГЭСи акциялари ҳам айнан шу мақсадлар йўлида сотилаяпти. Вазият шу даражага бориб етдики, уяли алоқа компаниялари хизматидан фойдаланувчиларнинг омонатларидан 20 фоизгача чегириб қолишаяпти. Оқибатда аҳоли мобиль алоқадан фойдаланмай қўйди, уяли алоқа компаниялари эса, зарар кўриб ишлаяпти.

Савзали ЯТИМОВ.
KUB.

Официальный дилер
GM "UZBEKISTAN"
ООО "Юнусобод авто савдо"
CHEVROLET
реализует автомобили:

NEXIA SONC **NEXIA DONC**
DAMAS **LASETTI BVD**
MATIZ **CAPTIVA**
LASETTI **MATIZ BEST**
EPICA **EPICA BVD**

Товар сертифицирован

Наш адрес: г. Ташкент, пр. А. Темура, 79
Тел.: 223-95-18, 223-97-49, 223-95-84.

Тошкент вилоят адлия бошқармаси ҳузурида нотариал иш юритиш материаллари сақланишини ҳамда юридик ва жисмоний шахсларга маълумотномалар ва архив ҳужжатлари нусхалари берилишини таъминлайдиган вилоят нотариал архив ташкил этилгунга қадар вилоятнинг туман-шаҳар ҳудудида фаолият кўрсатган собиқ хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар томонидан расмийлаштирилган ҳужжатлардан фуқаролар ва юридик шахслар нусхалар олиш юзасидан жойлардаги туман шаҳар давлат нотариал идораси нотариусларига мурожаат қилишлари мумкин.

Общество с ограниченной ответственностью с иностранными инвестициями "ERA JUICE", зарегистрированное 26 июня 2009г. за № 003940-03 отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Мирабадского района г. Ташкента (ИНН 301238231, ОКОНХ 18145),

ЛИКВИДИРУЕТСЯ (в соответствии решения учредителя протокол № 2010/01 от 05.07.2010г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по адресу: г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Ататурк д.1. Тел.: 233-92-56.

Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари дастури

ДУШАНБА 12

O'ZBEKISTON

6.00, 12.00, 3.10 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.10 "Икки тақдир". Т/с.
7.50 "Тонгги наволар".
8.00 "Таҳлилнома".
8.45, 1.35 "Маънавият" дастури.
9.45 "Бизнинг кутубхона".
10.05 "Диққат, маймунчалар". М/ф.
10.55, 17.55 "Сизнинг адвокатингиз".
11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00, 1.00, 4.00 "Ахборот".
11.15, 00.40 "Аёл бахти".
11.35, 2.45 "Ватан манзиллари".
12.55 Миллий кино: "Кўргилик".
14.20 "Ватанпарвар".
15.05 Жаҳон мусиқаси хазинасидан.
16.10 "Эл тинчлиги йўлида".
16.30, 4.35 "Кунларнинг бирида"
16.40, 5.25 "Икки дарё оралиғида".
17.15 "Тарих кўзгуси".
17.35 "Эртаклар – яхшиликка етаклар".
18.05, 2.35 "Олтин мерос".
18.15 "Ёмғир симфонияси". Т/с.
18.50 "Ифтихор".
18.55, 23.45 "Менинг оилам".
19.20 "ТВ – шифокор".
20.05 Сериал "Муҳаббатим қисматим".
20.50 "Ватанимни куйлайман".
21.40 "2010 йил – Баркамол авлод йили". "Мен ёшликман".
21.55 "Қирол ва мен". Т/с.
22.45 "Нейрохирург". Б/ф.
23.25, 5.45 "Очун".
00.10 "Юртим бўйлаб" дастури: "Юнус Ражабий".
4.45 Телетеатр: "Пайванд".

YOSHLAR

6.00, 1.10, 2.30 "Салом, ёшлар!"
6.40 "Рўзғор мактаби".
7.10 "Мультипанорама".
7.50, 19.30 "Кумуш". Т/с.
8.40, 2.40, 21.40, 23.10 "Ёшлик наволари".
9.00 "13-студия".
9.30 "Тасвир ва таассурот".
9.50 "Тошкент кўприклари".
10.00, 6.00, 9.00, 22.00, 2.00 "Давр".
10.30 "Даврнинг боласи".
10.40 "Сеҳрли тош".
11.50 "Кўнгил боғи".
13.00 "Зулфия издошлари".
13.10 "Айланай".
13.30 "Санников ери". Б/ф.
15.00 "Келажак эгалари".
15.20 "Ижод мактаби".
16.10 "Мўъжизавий дунё".
17.00 "Пуаро". Т/с.
17.50 "Болалар табассуми".
18.00 "Катта танаффус".
18.30 "Қишлоқдаги тенгдошим".
18.50 "UzEX".
20.20 "Давр мавзуси".
20.30, 3.10 "Автопатруль".
20.50 "Император аёл".
22.30 "Қалдирғочлар яна қайтади".
23.30 "Такси". Б/ф.
1.00 "Инсон ва шер". Х/ф.
3.30 "Дўст кулфатда билинар". Б/ф.
4.40 "Тараннум".
5.20 "Мўъжизавий дунё".
5.50 "Юрт тинчлиги".

TOSHKENT

7.30, 13.00, 5.30 "Салом, Тошкент!"
8.20, 19.25, 21.15 Тошкент тароналари.
8.30, 17.20 "Карвонсарой".
8.40, 15.15 "Эсмеральда". Т/с.
9.15, 3.30 "Кичкина малика". Б/ф.
10.40 "Болаликка қайтиб".
11.05 "Саргузаштлар ороли".
11.25 "Дон Кихот болалари". Б/ф.
12.40 "Шунақа гаплар".
13.55, 19.55 "Уйларим".
14.00 "Дунё" теледастури.
14.55 "Ҳуқуқшунос маслаҳати".
15.00, 18.00, 20.00, 21.30, 00.00, 5.00, 7.00 "Пойтахт".
15.45, 2.25 "Тирик сайёра: Зебралар".
16.40 "Чангалзор афсонаси-2". М/ф.
17.35, 6.30 "Қирқ тоғоранинг қирқ ноғораси".
18.25 "Кўнгил риштаси".
19.35 "Кадр ортида".
20.20, 7.20 Бизнес-"Пойтахт".
20.30, 21.50 "Телекурьер-маркет".
20.45 "Инсон матонати".
22.00 "Будьте здоровы".
22.10 "Экономическое ревю".
22.20 "Кино SMS со звёздами".
22.25 "Таинстеный остров". Х/ф.
00.25 "Ноттинг Хилл". Х/ф.
3.15 "Эртамиз эгалари".

СЕШАНБА 13

O'ZBEKISTON

6.00, 12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.10 "Икки тақдир". Т/с.
7.50 "Тонгги наволар".
8.00, 11.00, 11.50, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00, 1.00 "Ахборот".
8.40 "Маънавият" дастури.
9.25 "Болалар дунёси".
9.55 Сирдарё вилояти телерадиокомпанияси намойиш этади: "Баркамол авлод орзуси".
10.15 "Сизнинг адвокатингиз".
10.20, 22.00 "Қирол ва мен". Т/с.
11.15, 18.15 "Ёмғир симфонияси". Т/с.
11.45 "Ифтихор".
13.00, 20.05 Сериал "Муҳаббатим қисматим".
13.45 "Қундуз амакининг ҳикоялари". М/с.
14.20, 23.55 "Ойдин ҳаёт".
15.10 Жаҳон мусиқаси хазинасидан.
16.15 "Тезкор хабарлар".
16.25, 00.45 "Мен ёшликман".
16.40 "Икки дарё оралиғида".
17.15 "Яхшилар ёди".
17.35 "Эртаклар – яхшиликка етаклар".
18.05, 1.30 "Олтин мерос".
18.50, 1.40 "Навоийни англаш".
19.10 "Кун мавзуси".
19.20 "ТВ – шифокор".
20.50 "Ватанимни куйлайман".
21.40 "Муқаддас қадамжолар".
22.50 "Нейрохирург". Б/ф.
23.30 "Очун".

YOSHLAR

6.00, 11.10 "Салом, ёшлар!"
6.40 "Рўзғор мактаби".
7.10 "Мультипанорама".
7.50, 19.30 "Кумуш". Т/с.
8.40, 12.40, 21.40, 23.10 "Ёшлик наволари".
9.00 "13-студия".
9.30 "Тасвир ва таассурот".
9.50, 18.50 "UzEX".
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 "Давр".
10.10 "Даврнинг боласи".
10.20 "Винни Пух". М/ф.
10.40 "Сеҳрли тош". Т/с.
11.50 "Кўнгил боғи". Т/с.
13.10 "Айланай".
13.30, 20.50 "Император аёл". Т/с.
14.20 "Баркамоллик сари".
14.40 "Ёшлар ва қонун".
15.00 "Қишлоқ тараққиёти".
15.20 "Ижод мактаби".
16.10 "Мўъжизавий дунё".
17.00 "Пуаро". Т/с.
17.50 "Болалар табассуми".
18.00 "Сирли ўрмонча".
18.20 "Миллий мультфильм".
18.30 "Чемпион".
20.20 "Инсон психологияси".
22.30 Сериал "Қалдирғочлар яна қайтади".
23.30 "Такси-2". Б/ф.
1.00 "Инсон ва шер". Х/ф.

TOSHKENT

7.30, 13.00 "Салом, Тошкент!"
8.20, 19.25, 21.15 Тошкент тароналари.
8.30, 16.40 "Карвонсарой".
8.40, 15.15 "Эсмеральда". Т/с.
9.10 "Истеъдод".
9.30, 10.30, 15.00, 18.00, 20.00, 21.30, 00.00 "Пойтахт".
9.45, 17.35 Сериал "Қирқ тоғоранинг қирқ ноғораси".
10.10 "Қонун доирасида".
10.40 "Кавингтон Кросс". Т/с.
11.05 "Будьте здоровы".
11.15 "Силвия". Б/ф.
13.55, 19.50 "Уйларим".
14.00 "Дунё" теледастури.
15.45 "Тирик сайёра: Акула". Д/ф.
16.50 "Чангалзор афсонаси-2". М/ф.
17.25 "Ҳимоя".
18.25 "Кўнгил риштаси". Т/с.
19.35 "Менинг маҳаллам".
20.30, 21.50 "Телекурьер-маркет".
20.45 "Инсон матонати". Т/с.
22.05 "Репортаж".
22.15 "Кино SMS со звёздами".
22.20 "Таинственый остров". Х/ф.
23.40 "Будьте здоровы".
00.25 Ночной сеанс: "В стране женщин". Х/ф.

ЧОРШАНБА 14

O'ZBEKISTON

6.00, 12.00, 3.10 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.10 "Икки тақдир". Т/с.
7.50 "Тонгги наволар".
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 "Ахборот".
8.40, 1.35 "Маънавият" дастури.
9.30 "Тандир нон". М/ф.
9.45 "Ягона оилада".
10.05, 21.55 "Қирол ва мен". Т/с.
10.45 "Кун мавзуси".
11.10, 19.20 "ТВ – шифокор".
11.15, 18.05 "Ёмғир симфонияси". Т/с.
11.50 "Қизилқум табиати".
13.00, 20.05 Сериал "Муҳаббатим қисматим".
13.45 "Қундуз амакининг ҳикоялари". М/с.
14.20 "Дунё манзаралари".
14.40 "Эркин иқтисодиёт".
15.00 "Рембрандт".
15.50 "Ўйла, Изла, Топ!"
16.40, 5.25 "Икки дарё оралиғида".
17.15 "Таълимга эътибор – келажакка эътибор".
17.35 "Эртаклар – яхшиликка етаклар".
17.50 "Сизнинг адвокатингиз".
18.00, 3.00 "Олтин мерос".
18.40, 00.40 "Саломат бўлинг!"
19.00, 00.25 "Радиога ташриф".
19.15 "Ифтихор".
20.50 "Ватанимни куйлайман".
21.40 "Мен ёшликман".
22.40 "Нейрохирург". Б/ф.
23.20, 5.45 "Очун".
23.40 "Мен ёшликман".
23.55 "Кўриқхонанинг тўрт фасли".
2.35 "Бир ўлка-ки".
4.35 "Ҳаёт манзаралари".
4.40 Телетеатр: "Тақдир".

YOSHLAR

6.00, 11.10, 2.30 "Салом, ёшлар!"
6.40 "Рўзғор мактаби".
7.10 "Мультипанорама".
7.50, 19.30 "Кумуш". Т/с.
8.40, 12.40, 21.40, 23.10 "Ёшлик наволари".
9.00 "13-студия".
9.30 "Тасвир ва таассурот".
9.50, 18.50 "UzEX".
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00, 2.00 "Давр".
10.10 "Даврнинг боласи".
10.20 "Винни Пух". М/ф.
10.40 "Сеҳрли тош". Т/с.
11.50 "Кўнгил боғи".
13.10 "Айланай".
13.30, 20.50 "Император аёл". Т/с.
14.20 "Соғлик – бойлик".
14.40 "Ватанпарвар".
15.20 "Ижод мактаби".
16.10 "Мўъжизавий дунё".
16.40 "Бухоро темирчилик мактаби".
17.00 "Пуаро". Т/с.
17.50 "Болалар табассуми".
18.00 "Кичкинтойлар боғи".
18.20 "Мультфильм".
18.30 "Келажак эгалари".
20.20 "Нуқтаи назар".
22.30 "Қалдирғочлар яна қайтади".
23.30 "Такси-3". Б/ф.
1.00 "Инсон ва шер". Х/ф.
3.10 "Чемпион".
3.30 "Кўҳна тоғлар қиссаси". Б/ф.
4.40 "Тараннум".
5.20 "Мўъжизавий дунё".

TOSHKENT

7.30, 13.00, 5.30 "Салом, Тошкент!"
8.20, 19.25, 21.15 Тошкент тароналари.
8.30, 16.20 "Карвонсарой".
8.40, 15.15 "Эсмеральда". Т/с.
9.10 "Менинг маҳаллам".
9.30, 10.30, 15.00, 18.00, 20.00, 21.30, 00.00, 5.00, 7.05 "Пойтахт".
9.50, 17.35, 6.30 Сериал "Қирқ тоғоранинг қирқ ноғораси".
10.15 Хор жамоасининг концерти.
10.45 "Кавингтон Кросс".
11.10, 22.05, 23.35 "Репортаж".
11.20, 3.25 "Жавоҳир полициячи". Б/ф.
13.55, 19.50 "Уйларим".
14.00 "Дунё" теледастури.
14.55 "Ҳуқуқшунос маслаҳати".
15.45 "Таянч нуқтаси".
16.30 "Сеҳрли сандиқ".
16.40 "Шунақа гаплар".
17.05 "Мулоҳаза учун мавзу".
17.25, 6.55 "Саломат бўлинг!"
18.25 "Кўнгил риштаси".
19.35 "Ислоҳот одимлари".
20.20 Эко-"Пойтахт".
20.30, 21.50 "Телекурьер-маркет".
20.45 "Инсон матонати".
22.15 "Кино SMS со звёздами".
22.20 "Гарфилд". Х/ф.
00.25 "11 друзей Оушена". Х/ф.
2.15 "Тирик сайёра".
3.05 "Кадр ортида".

ПАЙШАНБА 15

O'ZBEKISTON

6.00, 12.00, 3.10 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.10 "Икки тақдир". Т/с.
7.50 "Тонгги наволар".
8.00, 11.00, 11.50, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00, 1.00, 4.00 "Ахборот".
8.40, 1.35 "Маънавият" дастури.
9.40 "Цирк, цирк, цирк".
10.00 "Мамонтчанинг онаси". М/ф.
10.10, 22.05 "Қирол ва мен". Т/с.
10.50 "Сизнинг адвокатингиз".
10.55, 19.05 "ТВ – шифокор".
11.15, 18.10 "Ёмғир симфонияси". Т/с.
11.45 "Ифтихор".
13.00, 20.05 "Муҳаббатим қисматим".
13.45 "Қундуз амакининг ҳикоялари". М/с.
14.20 "Бир ўлка-ки".
14.40 "Тараққиёт ва фаровонлик сари".
15.05 "Олам ва одам".
15.55 "Тезкор хабарлар".
16.05 "Маҳалла".
16.25 "Мен ёшликман".
16.40, 5.25 "Икки дарё оралиғида".
17.15, 23.55 "Буюк аждодларимиз".
17.35 "Эртаклар – яхшиликка етаклар".
18.00, 3.00 "Олтин мерос".
18.45 "Бир жиноят изидан".
19.10 "Кун мавзуси".
20.50 "Ватанимни куйлайман".
21.40, 2.35 "Хонадон".
22.55 "Нейрохирург". Б/ф.
23.35, 5.45 "Очун".
00.25 "Юртим бўйлаб" дастури: "Ёзув маданияти тарихи".
4.35 Телетеатр: "Тақдир".

YOSHLAR

6.00, 11.10, 2.30 "Салом, ёшлар!"
6.40 "Рўзғор мактаби".
7.10 "Мультипанорама".
7.50, 19.30 "Кумуш". Т/с.
8.40, 12.40, 21.40, 23.10 "Ёшлик наволари".
9.00 "13-студия".
9.30 "Тасвир ва таассурот".
9.50, 18.50 "UzEX".
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00, 2.00 "Давр".
10.10 "Даврнинг боласи".
10.20 "Винни Пух". М/ф.
10.40 "Сеҳрли тош". Т/с.
11.50 "Кўнгил боғи". Т/с.
13.10 "Айланай".
13.30, 20.50 "Император аёл". Т/с.
14.20 "Автопатруль".
14.40 "Ниқоб". Х/ф.
15.20 "Ижод мактаби".
16.10 "Мўъжизавий дунё".
16.40 "Соғлом авлод".
17.00 "Пуаро". Т/с.
17.50 "Болалар табассуми".
18.00 "Сирли ўрмонча".
18.20 "Миллий мультфильм".
18.30 "Ўзбегим".
20.20 "Ош бўлсин!"
22.30 "Қалдирғочлар яна қайтади".
23.30 "Такси-4". Б/ф.
1.00 "Инсон ва шер". Х/ф.
3.10 "Соғлик – бойлик".
3.30 "Тўғри сўзнинг тўқмоғи". Б/ф.
4.40 "Тараннум".
5.20 "Мўъжизавий дунё".
5.50 "Юрт тинчлиги".

TOSHKENT

7.30, 13.00, 5.30 "Салом, Тошкент!"
8.20, 19.25, 21.15 Тошкент тароналари.
8.30, 16.50 "Карвонсарой".
8.40, 15.15 "Эсмеральда". Т/с.
9.10 Эко-"Пойтахт".
9.20 "Ҳимоя".
9.30, 10.30, 15.00, 18.00, 20.00, 21.30, 00.00, 5.00, 7.05 "Пойтахт".
9.45, 17.35, 6.30 Сериал "Қирқ тоғоранинг қирқ ноғораси".
10.10 "Ислоҳот одимлари".
10.40 "Кавингтон Кросс".
11.10, 3.15 "Рим таътиллари". Б/ф.
13.55, 19.50 "Уйларим".
14.00 "Дунё" теледастури.
15.45, 2.25 "Тирик сайёра: Шерлар".
16.35 "Фан ва тараққиёт".
17.00 М/ф "Фаррух ва Зумрад".
17.15 Жаҳон мусиқаси дурдоналари.
17.20 "Дурдона".
18.25 "Кўнгил риштаси". Т/с.
19.40, 6.55 "Репортаж".
20.30, 21.50 "Телекурьер-маркет".
20.45 "Инсон матонати". Т/с.
22.00 "Экономическое ревю".
22.10 "Кино SMS со звёздами".
22.15 "Флешка". Х/ф.
00.25 Ночной сеанс: "12 друзей Оушена". Х/ф.

ЖУМА 16

O'ZBEKISTON

6.00, 12.00, 3.10 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.10 "Икки тақдир". Т/с.
7.50 "Тонгги наволар".
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00, 1.00, 4.00 "Ахборот".
8.40, 1.35 "Маънавият" дастури.
9.30 "Янчар қуён". М/ф.
9.55 "2010 йил – Баркамол авлод йили". "Таълимга эътибор – келажакка эътибор".
10.15, 22.00 "Қирол ва мен". Т/с.
10.55, 19.20 "ТВ – шифокор".
11.15, 18.15 "Ёмғир симфонияси". Т/с.
11.45 "Кун мавзуси".
13.00, 20.05 Сериал "Муҳаббатим қисматим".
13.45 "Қундуз амакининг ҳикоялари". М/с.
14.20 "Дунё манзаралари".
14.40 "Бир жиноят изидан".
15.05 "Олам ва одам" дастури.
16.05, 23.25, 5.45 "Очун".
16.20, 00.20 F. Тошматов номидаги дуторчилар ансамблининг концерти.
16.40, 5.25 "Икки дарё оралиғида".
17.15 "Саломатлик дастури".
17.35 "Эртаклар – яхшиликка етаклар".
17.55 "Сизнинг адвокатингиз".
18.05, 3.00 "Олтин мерос".
18.50 "Минг бир ривоят".
18.55 "Ҳидоят сари".
19.15 "Ифтихор".
20.50 "Ватанимни куйлайман".
21.40, 00.40 "Бир ўлка-ки".
22.45 "Нейрохирург". Б/ф.
23.40 "Кўнгилга йўл".
2.35 "Муқаддас қадамжолар".
4.35 Телетеатр: "Тақдир".

YOSHLAR

6.00, 11.10, 2.30 "Салом, ёшлар!"
6.40 "Рўзғор мактаби".
7.10 "Мультипанорама".
7.50, 19.30 "Кумуш". Т/с.
8.40, 12.40, 21.40, 23.10 "Ёшлик наволари".
9.00 "13-студия".
9.30 "Тасвир ва таассурот".
9.50, 18.50 "UzEX".
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00, 2.00 "Давр".
10.10 "Даврнинг боласи".
10.20 "Винни Пух". М/ф.
10.40 "Сеҳрли тош". Т/с.
11.50 "Кўнгил боғи".
13.10 "Айланай".
13.30, 20.50 "Император аёл". Т/с.
14.20 "Ёшлик баёзи".
14.40 "Келажак эгалари".
15.00 "Чемпион".
15.20 "Ижод мактаби".
16.10 "Мўъжизавий дунё".
16.40 "Мик". Х/ф.
17.00 "Пуаро". Т/с.
17.50 "Болалар табассуми".
18.00 "Китоб – офтоб".
18.20 "Миллий мультфильм".
18.30 "XXI аср технологиялари".
20.20 "Бугун".
22.30 "Қалдирғочлар яна қайтади".
23.30 "Астерикс ва Обеликс Цезарга карши". Б/ф.
1.20 "Кўнгил куйи".
3.10 "Ўзбегим".
3.30 "Самурайлар байроғи". Б/ф.
4.40 "Тараннум".
5.20 "Мўъжизавий дунё".
5.50 "Юрт тинчлиги".

TOSHKENT

7.30, 13.00, 5.30 "Салом, Тошкент!"
8.20, 19.25, 21.15 Тошкент тароналари.
8.30, 16.50 "Карвонсарой".
8.40, 15.15 "Эсмеральда". Т/с.
9.10 "Кадр ортида".
9.30, 10.30, 15.00, 18.00, 20.00, 21.30, 00.00, 5.00, 7.05 "Пойтахт".
9.50, 17.35, 6.30 Сериал "Қирқ тоғоранинг қирқ ноғораси".
10.15, 11.05, 22.05 "Репортаж".
10.40 "Кавингтон Кросс".
11.20 Жаҳон мусиқаси дурдоналари.
11.25, 3.25 "Затура".
13.55, 19.50 "Уйларим".
14.00 "Дунё" теледастури.
15.45, 2.20 "Тирик сайёра: Сиртлонлар".
16.40 "Саломат бўлинг!"
17.00 "Жасур типратикан". М/ф.
17.20 "Эртамиз эгалари".
18.25 "Кўнгил риштаси". Т/с.
19.35 "Маърифат фидойилари".
20.30, 21.50 "Телекурьер-маркет".
20.45 "Инсон матонати". Т/с.
22.15 "Кино SMS со звёздами".
22.25 Комедия "Мистер Бин на отдыхе".
00.25 Ночной сеанс: "13 друзей Оушена". Х/ф.
3.10 Нима учун гуруҳи тақдим этади: "Шунақа гаплар".
6.55 Эко-"Пойтахт".

ШАНБА 17

O'ZBEKISTON

6.00, 12.00, 3.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.05, 1.35 Кино: "Кўзларим йўлингда".
7.50 "Тонгги наволар".
8.00, 14.00, 19.30, 21.00, 1.00, 4.00 "Ахборот".
8.40 "Бизнинг кутубхона".
9.00 "Хомуш хўтикча". М/ф.
9.40 "Қирол ва мен".
10.20 "Минг бир ривоят".
10.25 "Ҳидоят сари".
10.45 "Чинсен".
11.05 "Оналар мактаби".
11.25 "Ёмғир симфонияси". Т/с.
13.05 "Ифтихор".
13.10, 20.05 "Муҳаббатим қисматим".
13.55 "Ҳаёт манзаралари".
14.20 "Одил суд".
15.10 "Кутилмаган меҳмон". Б/ф.
16.20 "Минг бир маслаҳат".
16.40 "Аяжонларим". В/ф.
17.15 "Ажойиб саёҳат".
17.45 "Эртаклар – яхшиликка етаклар".
18.10 "Қорақалпоқ оҳанглари".
18.20 "Саломатлик сирлари".
18.40 "Бахшиёна".
18.50 "Шўрданак".
19.20 "ТВ – шифокор".
20.50 "Кўнгил қўшиқ истайди".
21.40 "КиноТеатр".
22.05 "Мольер". Б/ф.
23.50, 5.45 "Очун".
00.10 "Рангин дунё".
00.30 "Геологик қўриқхона".
00.50 "Олтин мерос".
4.35 Кино: "Тақдир эшиги".

YOSHLAR

6.00, 11.10, 2.30 "Салом, ёшлар!"
6.40 "Рўзғор мактаби".
7.10 "Мультипанорама".
7.50 "Ҳикоя".
8.00 Сериал "Лола".
8.40, 12.40, 21.40, 23.10 "Ёшлик наволари".
9.00 "13-студия".
9.30 "Тасвир ва таассурот".
9.50 "UzEX".
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00, 2.00 "Давр".
10.10 "Даврнинг боласи".
10.20 "Винни Пух". М/ф.
10.40 "Сеҳрли тош". Т/с.
11.50 "Кўнгил боғи".
13.10 "Автопатруль".
13.30, 20.50 "Император аёл". Т/с.
14.20 "Эверест".
15.10 "Ҳаётбахш наволар".
16.10 "Катта танаффус".
16.30 "Шаҳризоданинг янги эртаклари". Б/ф.
18.30 "Сайқал".
18.50 "Баркамол авлод".
19.30 "Тақдир қиссалари". Т/с.
20.30 "Айланай".
22.30 "Қалдирғочлар яна қайтади".
23.30 "Астерикс ва Обеликс: Клеопатра миссияси". Б/ф.
1.20 "Кўнгил куйи".
3.10 "Ёшлик баёзи".
3.30 "Самурайлар байроғи". Б/ф.
4.40 "Тараннум".
5.20 "Мўъжизавий дунё".
5.50 "Юрт тинчлиги".

TOSHKENT

7.30, 13.00, 5.30 "Салом, Тошкент!"
8.20, 19.25, 21.15 Тошкент тароналари.
8.30, 16.20 "Карвонсарой".
8.40, 15.15 "Эсмеральда". Т/с.
9.10 Нима учун гуруҳи тақдим этади: "Шунақа гаплар".
9.30, 10.30, 20.00, 21.30, 00.00, 5.00, 7.05 "Пойтахт".
9.50, 17.30, 6.30 Сериал "Қирқ тоғоранинг қирқ ноғораси".
10.15 "Саломат бўлинг!"
10.40 "Кавингтон Кросс".
11.05 "Все о туризме".
11.35, 3.15 "Инспектор Гажет". Б/ф.
13.55, 19.50 "Уйларим".
14.00 "Дунё" теледастури.
14.55 "Ҳуқуқшунос маслаҳати".
15.00 "Эртамиз эгалари".
15.50 "Менинг маҳаллам".
16.05 "Маърифат фидойилари".
16.30 М/ф "Кулол".
16.40, 2.50 "Мулоҳаза учун мавзу".
17.00 "Санъатимиз хазинасидан".
17.15, 3.20 "Қонун доирасида".
17.55 "Интервью".
18.05 "Ҳаёт фалсафаси".
18.25 "Кўнгил риштаси".
19.35 "Истеъдод".
20.30, 21.50 "Телекурьер-маркет".
20.45 "Таянч нуқтаси".
22.00 "Пресная вода".
22.50 "Кино SMS со звёздами".
22.55, 00.35 Кино: "Ты и я".
2.00 "Тирик сайёра".

ЯКШАНБА 18

O'ZBEKISTON

6.00, 12.00, 3.00 "Ассалом, Ўзбекистон!".
7.05 Миллий кино: "Кўзларим йўлингда".
7.50 "Тонгги наволар".
8.00 "Ахборот".
8.40 "Нонни босган қизча ҳақида". М/ф.
9.00 "Табассум".
9.35, 2.35 "Очиқ дастурхон".
10.10 "Саломатлик сирлари".
10.30 "Шўрданак".
11.05, 00.15 "Ойдин ҳаёт".
11.50 "Юртим бўйлаб" дастури: "Тоғ гуллари".
13.00 "Бахшиёна".
13.05 "Ота-оналар учун тузоқ". Б/ф.
15.10, 1.35 "Заковат".
16.10, 4.45 "Аяжонларим". В/ф.
16.40 "Кунларнинг бирида".
16.50 "Болалар дунёси".
17.20 "Танаффус". М/ф.
18.20 "Рангин дунё".
18.45 "Оҳанрабо".
19.30, 21.00, 1.00, 4.00 "Таҳлилнома".
20.10 Сериал "Денгиздан томчи".
20.45 "Кўнгил қўшиқ истайди".
21.45 "Азизим".
22.15 "Страдивари". Б/ф.
23.55, 5.45 "Очун".

YOSHLAR

6.00 "Бугун".
6.40 "Рўзғор мактаби".
7.10 "Мультипанорама".
7.50 "Табассум қил!"
8.00 Сериал "Лола".
8.40 "Ёшлар нонуштаси".
9.00 "Ош бўлсин!"
9.30 "Тонгги парвоз".
10.00 "Ватанпарвар".
10.40 Б/ф "Қайнота".
13.20 "Айланай".
13.40 "Соғлик – бойлик".
14.00 "Эртаклар оламида".
15.20 "Болалар табассуми".
15.30 "Шарқ оҳанглари".
16.30 "Шаҳзоданинг қўшиғи". Т/с.
18.40 "Кулол ва гўзал". Х/ф.
19.00, 2.00 "Давр".
19.30 "Тақдир қиссалари". Т/с.
20.30 "Рўзғор мактаби".
21.10 "Қизлар давраси".
22.00 "Кавказ асираси". Б/ф.
23.20 "Табассум қил!"
23.30 "Астерикс Олимпиада ўйинларида". Б/ф.
1.20 "Сеҳрли қўллар".
2.30 "Ватанпарвар".
3.10 "Умр баҳори".
3.30 "Алп йигитнинг уйланиши". Б/ф.
4.40 "Тараннум".
5.20 "Мўъжизавий дунё".
5.50 "Юрт тинчлиги".

TOSHKENT

7.30, 13.00, 5.30 "Салом, Тошкент!"
8.20, 19.25, 22.00 Тошкент тароналари.
8.30, 15.45 "Карвонсарой".
8.40 "Эсмеральда". Т/с.
9.10 "Интервью".
9.30, 10.30 "Пойтахт".
9.45 Бизнес-"Пойтахт".
9.50, 6.30 Сериал "Қирқ тоғоранинг қирқ ноғораси".
10.15 "Дурдона".
10.45 Эко-"Пойтахт".
10.55 "Саргузаштлар ороли".
11.15, 4.05 "Кўринмас одам". Б/ф.
12.40, 7.05 "Истедод".
13.50 "Уйларим".
13.55 "Саломат бўлинг!"
14.10 "Садоқатли дўстлар". Б/ф.
16.00 "Болаликка қайтиб".
16.20 "Лэсси". Б/ф.
17.50, 2.45 "Менинг шаҳрим".
18.20 "Нима учун?"
19.05, 3.10 "Имтиҳон".
19.35, 21.15 "Телекурьер-маркет".
19.45 Миллий кино: "Феride". Б/ф.
21.25, 3.35 "Тошкент оқшомлари".
22.15 "Всё о туризме".
22.40 "Кино SMS со звёздами".
1.00 Ночной сеанс: "Одноклассники".

Частное предприятие "POLIGRAF GROUP" Учтепинского района (ИНН 300865442) сообщает об изменении формы собственности и реорганизации в ООО "POLIGRAF GROUP" с переходом всех прав и обязательств с ЧП "POLIGRAF GROUP" к ООО "POLIGRAF GROUP". Тел.: 249-25-00.

Утерянный аттестат U № 0409271, выданный 18.06.2003 году школой № 180 Шайхантахурского района г. Ташкента на имя Бабарахимова Шерзода Абиджановича,
СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси "Республика Кўчмас мулк биржаси" ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига такроран Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан, ФИБ Чирчиқ судининг 08.04.2008 йилдаги №5511 ижро ҳужжатига асосан, Чирчиқ шаҳар С. Маршак кўчаси, 7-уй манзилида жойлашган, 2 та иморатдан иборат, умумий қурилган майдони 89,29 кв.м. бўлган тураржой қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси - 50 578 200 сўм.

Аукцион савдосига такроран Ангрен шаҳар СИБ томонидан, Ангрен шаҳар ИИБ Бўстон жарима майдончасида сақланаётган, ЖИБ Ангрен шаҳар судининг 06.04.2009 йилдаги ижро ҳужжатига асосан "ТИКО" русумли, д/р 10A7564 бўлган, 1996 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 3 868 758,35 сўм.

Аукцион савдосига такроран Чиноз тумани СИБ томонидан, Чиноз туман ИИБ ХХБ жарима майдончасида сақланаётган уйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. ЖИБ Янгийўл шаҳар судининг 22.09.2009 йилдаги №733/2009 ижро ҳужжатига асосан, "Зил-ММЗ-4502" русумли д/р X482ULM бўлган, 1988 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 6 640 601,40 сўм. 2. ЖИБ Янгийўл шаҳар судининг 09.10.2009 йилдаги №309-д/2009 ижро ҳужжатига асосан, "Нексия" русумли д/р 11G9705 бўлган, 1997 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 7 507 080,50 сўм. 3. ЖИБ Чиноз тумани судининг 20.05.2009 йилдаги ижро ҳужжатига асосан, "Мерседес Бенц-190" русумли, д/р X679BWN бўлган, 1992 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 7 586 364,18 сўм. - "Чинозматлуботинвест" МЧЖ омборида сақланаётган: 4. Қуйичирчиқ тумани судининг 29.10.2009 йилдаги №248/09 ижро ҳужжатига асосан, "Камаз-53212" русумли д/р 01Q294AA бўлган, 1979 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 21 353 093,64 сўм. 5. Янгийўл тумани судининг 16.03.2010 йилдаги №1-84/10 ижро ҳужжатига асосан, "Камаз-5320" русумли д/р 01J128EA бўлган, 1983 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 23 963 696,10 сўм. - "Чинозйўлиндустрия" ИЧДК ҳовлисида сақланаётган, №245, 246, 248, 247, 798,800, 844, 843, 842, 760, 927, 1496, 249, 1179, 604, 250, 2665, 2830, 2393 ва 3544 ижро ҳужжатларга асосан: 8. "МАЗ-5551" русумли, д/р 11AV436 бўлган, 1992 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 5 018 206 сўм. 6. "МАЗ-5551" русумли, д/р 11AA291 бўлган, 1991 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 2 433 791 сўм. 7. "МАЗ-5551" русумли, д/р 11AA278 бўлган, 1991 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 2 433 791 сўм.

Аукцион савдоси 2010 йил 27 июль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ "Ипак йўли банки"нинг Сағбон ф-даги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО 01036, ИНН 200933850. Манзилимиз: Тошкент ш., С. Раҳимов т., М. Ўразбоев кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. www.rkmb.uz

Лицензия: DB 001 №000004.

"Тошкент ҳақиқати" ва "Ташкентская правда" газеталари таҳририяти жамоаси "Саховат" журнали бирлашган таҳририяти бош муҳаррири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, шоир Темур Убайдуллога турмуш ўртоғи **Рашидахон ЗАЙНУДДИНОВА**нинг вафоти муносабти билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент вилоят адлия бошқармаси жамоаси Оҳангарон туман ФҲДЁ бўлимининг мудираси Сангилова Марҳамат Маматжоновнага турмуш ўртоғи **Каримжон САНГИЛОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЁШ ЮЛДУЗЛАР ЖИЛВАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

"Жигаристон" ва "Марказий" жамоалари ўртасида бўлиб ўтган ўйинда "Жигаристон" ёшлари 1:0 ҳисобида мағлуб бўлдилар.

Вилоят босқичининг охирги учрашуви чин маънода ҳал қилувчи ўйин бўлди. Ўзининг барча жиҳатдан устунлигини кўрсата олган "Афғон" ва "Дўстлик" жамоалари ўртасида кечган муросасиз беллашувда бекободлик ҳужумчи Тимур Пардаев урган гол жамоасига ғалаба келтирди.

Энди республика босқичидаги ўйинларда ушбу жамоа вилоятимиз шарафини ҳимоя қилади. 2-ўрин Чиноз туманининг "Афғон", 3-ўрин Бўстонлиқ туманининг "Марказий" маҳалласи футбол жамоаларига насиб этди.

– Ёш чарм тўп усталарининг бугунги ўйинларини кўриб, очиғи ҳаяжонланиб кетдим, – дейди вилоят босқичи ўйинларига ҳакамлик қилган вилоят футбол федерацияси ҳакамлар ҳайъатининг раиси Раҳматулла Қоратоев. – Айниқса, ҳужумчи Тимур Пардаев, ҳимоячи Ойбек Ормонов, ангренлик 9 ёшли футболчи – "Энг яхши ёш ўйинчи" номинациясини қўлга киритган Даврон Файзулов, "Энг яхши дарвозабон" деб топилган бўстонлиқлик Шерзод Шорабекзоднинг маҳоратини кўриб, футболимиз келажаги ёрқинлигига амин бўлдим. Ўйлайманки, жаҳон чемпионатларида Ўзбекистон терма жамоаси учун мухлислик қилиш онлари яқин.

Рустам ШУҲРАТОВ.

СУРАТЛАРДА: футбол ўйинидан лавҳалар.

Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.

ОЙЛИК МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТДИ

Пойтахтимиздаги Япон боғида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Аёллар кенгаши" Республика жамоат бирлашмаси ва "Меҳр нури" жамғармаси ҳамкорлигида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган туркум тадбирлар ойлигининг ўзига хос якуни сифатида болалар учун хайрия тадбири ўтказилди.

Болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг соғлом ва баркамол инсонлар бўлиб вояга етиши учун яқиндан кўмаклашиш, ижодий-интеллектуал салоҳияти тўла юзага чиқиши учун барча шароит ва имкониятларни яратиш "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси фаолиятида устувор ўрин тутади.

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган ойлик мобайнида Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида "Ватанимиз тарихи" мавзуида хайрия акцияси бўлиб ўтди. Болаларни тарихимиз, қадимий меъморий обидалар билан яқиндан таништириш мақсадида диққатга сазовор жойларга экскурсиялар ташкил этилди. Айни пайтда Меҳрибонлик уйларининг тарбияланувчилари, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг ўғил-қизлари учун цирк санъати усталари иштирокида мусиқий дастурлар, концертлар, ёш ижодкорлар асарлари кўргазмалари, спорт мусобақалари, интеллектуал беллашувлар ўтказилди.

Хайрия тадбирида санъат усталари ва ижрочи ёшлар, болалар бадиий жамоалари иштирокида концерт намойиш этилди.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

МОЗИЙДАН ҲИКОЯЛАР

ДАСТУРХОНДА НОН БЎЛСИН ДЕБ...

Хотирамда жонланаётган бу воқеаларнинг бўлиб ўтганига ҳам олтмиш йилдан ошибди...

Уйимиз катта сойнинг бу тарафида. Сойнинг у бетидаги қирга бир ярим гектарча лалми буғдой экканэдик. Бахтимизга ўша йили ёғин-сочин мўл бўлди. Буғдой тўқ бошоқлаб, битиб берди. Ёзнинг чилласига келиб, ўримга яраб қолди.

– Эртаминан ўримга тушамиз, – деди бобом, – бўлмаса бошоғи чатнаб дони тўкилиб кетади. Одамларни ҳашарга айтиш керак.

Бизларда шунақа. Баҳорда ер чопсак, ёзда арпа-буғдой ўрсак, кузда томсуворқ қилсак, ҳашарсиз ўтказмаймиз. Бобом, "ҳашар – элга ярашар" дейди. Кечга яқин Шокир икковимиз кўк эшакка мингашиб, қишлоқни пастлаб кетдик. Кичик язнамни, икки бўламни ҳашарга айтдик. Отам ҳам икки ошнасини чақиртириб қўйган экан. Қўшнилардан Сормон тоға билан Шокир дўстимнинг дадаси қўшилди. Хуллас, эртаси азонлаб ўнга яқин киши қўл ўроғи билан етиб келиб турибдида. Аям уларни яхшилаб меҳмон қилди. Эшак аравани созлаб, тушлигимизни ортиб жўнадик.

Бирлашган ўзар, дегандаридек, кўпчиликдан ер ҳам қўрқар экан. Ўн ўроқчи буғдойзорнинг тўрт тарафидан тушиб, ўриб турибди. Бобом билан отам пешмапеш бойлаб тахлаб кетаяпти. Мен, Ғулом, Дилмурод учовимиз бели боғлиқ дасталарни аравага ташиб турибмиз. Арава тўлганда уйга олиб борамиз. Ҳовлида момом, энам, ҳаммамиз аравани бўшатамиз, ўроқчиларга чой-пой олиб, тағин қирга ўрмалаймиз.

Ҳали айтганимдек, кўпчилик ёпишса қўймас экан. Кун ботгунча лалмини ўриб, боғлаб бўлдик. Отам ҳашарчиларга атаб қўй сўйди. Алла-паллагача эти-этга, шўрпаси-бетга, деб гурунглашиб ўтирдилар.

Буғдойни-ку йиғиб-териб олдик. Энди уни янчиб, донини донга, сомонини сомонга ажратиш керак. Хуллас, хўп ҳайдашга тайёрлана бошладик. Хўп нималигини билмасангиз керак, а? Унда эшитинг.

Азонлаб турдик. Сутчойга тўйиб олиб, кечаги буғдой пояларининг белини еча бошладик. Уларни ҳовлининг ўртасига ёйдик. Каттакон хирмон бўлди. Икки отни олиб келдик. Бировини мен миндим, бировини Дилмурод минди. Бегзод бўлам эшак миниб ёйма хирмонга чиқди. Бобом қўлларини очиб дуо қилди:

– Қани, омин, хирмонга барака берсин. Тушганини тўй-томошага ишлатайлик!

Отга секин қамчи урдим. У кўпчиб ётган буғдой пояларини қарс-қурс босиб юриб кетди. Менга Дилмурод эргашди. Унинг ортидан Бегзод эшагини хих-хихлаб хирмонга чиқди. Учовлон чирсиллатиб буғдой ғарамини янчиб бораяпмиз. Отам от билан эшакнинг туёғидан сирғалиб четга чиқаётган пояларни кураб хирмонга қўшиб турибди. Бобом бўлса биздан кўзини узмай, ўзича нималарнидир пичирлаб ўтирибди.

Икки от хирмонни ғичирлатиб гир-гир айланади, эшак тихирлик қилиб бўлсада, отларга эргашиб, буғдойни майдалайди. Бирор соат юрганимиздан кейин буғдой поя пасайиб, салпал текисроқ бўлиб қолди. Мен, чу, жонивор, деб отимни ниқтайман, Бегзод таёқ билан эшагининг сағрисига аста уради. Буни кўриб бобом муртидан кулади.

– Болам, хўпчиларнинг қўшиғини айтмайсанми? Расми шунақа ўзи. Қўшиқ айтиб, жониворларни мақтаб турсанг, хирмонни яхши айланади. Айт, болам.

Бултур хўп босганда бобом ўргатган қўшиқ эсимда турган эди, секин айта бошладим:

Хўп ҳайдаё, хўп ҳайда,
Қалқон қулоғим, ҳайда!
Темир туёғим, ҳайда!
Остингда босган донни
Оёғинг қилсин майда,
Хўп ҳайдаё, хўп ҳайда!

Айтиб бўлиб орқамга ўгирилдим.

– Дилмурод, энди сен айт.

Дилмурод ҳам қўшиқнинг беш-ўн қаторини билар эди, минғиллади:

Чу, ҳе жониворим,
ҳайда,
Хирмонни қилгин майда.
Хирмонни тамом
қилмасанг
Жонингга тиним қайда!

Қўшиқни яна ўзим улаб кетдим:

Бошингни ерга солма,
Сўзимни оғир олма,
Кўзим илиниб кетса
Тағин-а тўхтаб қолма.
Чу, ҳе жониворим,
ҳайда,
Хирмонни қилгин майда.

Бобомнинг завқи жўшиб кетдими, бирдан у ҳам бизга жўр бўлди:

Оёғингни жуп ташла,
Текис йўрғангни бошла.
Буғдойни гард-гард
қилиб,
Менинг кўнглимни
хушла!

– Айт, болам, айт, – деди бобом, – қара, отларинг қулоқларини динг қилиб туришибди.

Мен яна хўпчилар қўшиғини бошладим.

Майда қилгин, кўрайин,
Шохингга гул ўрайин,
Сенга келган балони
Тошдан тошга урайин.
Қалқон қулоғим, ҳайда,
Олтин туёғим, ҳайда!

Отларни совутиб-совутиб, ўзимиз ҳам дам олиб, кечгача хўп ҳайдадик. Бахтимизга бу йил буғдой яхши битган экан, эртаси пешиндан кейингача хўп босдик. Бобом хирмондаги пояни сиқимлаб кўрди-да, бўлди, деди. Дон ажраб, хирмоннинг остига тушибди.

– Бомдод шамолида совуриб оламиз, – деди бобом.

Биз учала бола роса чарчаган эканмиз, ухлаб қолибмиз. Кун ёйилганда турдик. Бобом билан отамнинг қўлларида ёғоч курак. Улар тоғ тарафдан келаётган шамолга ёнбошлаб туриб олиб, хирмон совуришаяпти. Сомон учиб бориб ҳовли этагига тушади, буғдой момом тўқиган шолчага тушади. Хуллас, икки куну икки тун деганда хирмонни совуриб, донини қоплаб олдик. Энди бир йилга етадиган озиғимиз, молларимизни қишдан чиқарадиган сомонимиз бор.

Саъдулла СИЁЕВ.

ҲАЁТ САБОҚЛАРИ

ТЕШИК ТОҒОРАСИ БИЛАН ҚОЛДИ

Картошка тозалаб ўтирган Малика ногаҳон телевизорга тикилиб қолди. Боягина бошланган бадиий фильмнинг қаҳрамони айтган гап уни ўйлантириб қўйди: "Борига шукр қилмаймизу, йўқ нарсаларни орзу қилиб йиғлаймиз"...

Нима деяпти ўзи бу бақалоқ? Худди шу тобда фильм қаҳрамони бу гапни айнан Маликага қарата айтгандек бўлдими? Агар ўшанда лаънати кир машинасини деб эрини қистовга олмаганида ҳозир ҳаммаси остин-устун бўлиб кетмаган, уйида хотиржам ўтирган бўлармиди?..

Малика неча кунлаб эри билан рўзғорнинг кам-кўсти ҳақида обдон талашиб-тортишган, уришиб ҳам олганди. Жанжалнинг боши кир ювиш машинасидан бошланди.

– Сен қанақа хотинсан ўзи, а? У йўқ дейсан, бу йўқ дейсан, ҳаммаси жонимга тегди-ку! Шу уйга келгим ҳам келмайди.

– Келгингиз келмаса катта кўча! Менам бошқа хотинларга ўхшаб яйраб яшашни истайман. Ана, қўшнимиз Моҳирахон. Бир ўзи ишлаб, уч боласини боқиб ўтирибди. Эри йўққа ўхшамайди. Ҳатто болалари бизнинг болаларимиздан яхши кийинади. Менга шуниси алам қилади. Шу ҳолига бизникидан зўр телевизори, бизникидан зўр мебели бор.

– Нега доим бошқаларга қараб тош қўясан? Сен-чи? Сен нега Моҳирахондай бўлолмайсан.

– Икки гапнинг бирида Моҳирахонни пеш қиласиз. Уйланиб олинг унга.

– Уйланардим, афсуски ўзи буни хоҳламайди-да, – Омон мийиғида кулди. – У аёлнинг сен билан тарикча иши йўқ, сен бўлсанг уни гапирганинг-гапирган. Хўш? Ўзинг ишласанг биров қаршилик қилармиди? Боғчада ишлолмадинг, мактабда бировлар билан уришиб қолдинг, доим ўзинг жанжал кўтарасан-да, айбни бошқаларга ағдарасан-қўясан.

– Хотинларнинг ишига аралашманг, дадаси. Ҳали битта кир ювиш машинаси олиб беринг деганимга шунча сассиқ гапми? Қайси замонда яшаяпмиз ўзи? Анов мактабда пол ювадиган қўшнимнинг ҳам кир ювадиган машинаси бору, мен шўрлик ибтидоий одамларга ўхшаб қўлимда кир ишқалайман! Мана, қўлларим қариб кетди. Тағин бошимда эрим бор.

– Нимага бўлмаса ўқигансан? Дипломингни сандиққа солиб қўйиш учунми?

– Бир нарса деса дарров ўқиганимни пеш қиласиз?

– Ўқиганингни пеш қилмайман, ўқиб туриб уқмаганингга куяман...

Малика қараса эрига бас келолмайди. Одатдагидек кўзёши тўкишга ўтди.

– Оборинг, дипломимни сотиб енг. Бирор кимса олар.

– Э-э, сенинг дипломинг кимга керак? Яхшиси, бир-икки кун сабр қилиб тур, ойлик олай, обераман ўша кир ювадиган машинангни!

– Туянинг думи ерга тек-кандами?

Омон яна озгина айвонда қолса хотини миясини қоқиб қўлига беришини ўйлаб ташқарига чиқди. Ўн йилдан бери икки хонали уйда тўрт боласи билан яшайди. Топгани қориндан ортмайдию, Маликанинг орзулари охир билмайди. Ҳали уйга янги жиҳоз, ҳали музлаткич, ҳали гилам... Ўзининг-ку, онаси қилган бир олам сеп-суруғи эскиргани йўқ, аммо янги нарсаларга ўч. Бирор қўшниси янги нарса олса, дарҳол оғзининг суви оқади.

Омоннинг маоши эса егуликка аранг етади. Яхшиямки, яқин ўртоғи Мухтор билан бир-икки марта қувур олиб чиқиб сотди. Агар бошқаларга ўхшаб қўлга тушиб қолса борми? Ҳам ишидан ҳайдалади, ҳам шарманда бўлади. Калтафаҳм хотини буни тушунармиди? Унга бойлик, мол-дунё бўлса бас. Шу хотиннинг нағмаларига учиб, кекса онасини йўқлаб боришга вақт тополмайди. Онаси билан яшайдиган укасининг ҳам қўли калта. Лоақал уч-тўрт сўм орттириб уларга мадад бўлолмаганидан баъзан ич-ичидан ўкиниб кетади.

...Малика телевизорга тикилганча юраги сиқилди. Нега арзимаган буюмлар деб, эрини қийин-қистовга олди? Агар шундай қилмаганида бечора Омон ҳам ишидан, ҳам соғлигидан айрилиб ўтирармиди? Мана, иккита қувур ўғирлаб сотиб, қўлга тушди. Энди суд олдида жавоб беради. Ҳам ишидан ҳайдалди. Малика ўтирган жойида уйида сотишга арзигулик нималар борлигини хомчўт қила кетди. Кеча қайнонаси келиб уни роса гап билан савалаган:

– Болам шўрликни эговлайверибтинмадингиз. Ҳали участкасиз ўтиб кетамиз, деб минғиллайсиз, ҳали музлаткичимиз модадан қолган, деб зуғум қиласиз. Онангиз қилган сепу суруғларнинг оҳори тўкилмаган. Битта кир ювиш машинасини деб Омоннинг бўйнидан бўғавермаганингизда бу кўргуликлар йўқ эди...

– Ойи, мен унга қувур ўғирлаб сот, демаганман.

– Демагансиз, ҳа, демагансиз. Лекин неварам ҳаммаси ойимни деб бўлди, деяпти.

– Ўзимдан чиққан чаён ўзимни чақибди-да, – Малика ўғлига еб қўйгудек тикилди.

– Ҳа, нима деб ўйловдингиз? Эрни эр қиладиган...

– Бўлди-да, оғзим бор деб гапираверасизми?

– Оғзимга урманг, агар боламнинг топиш-тутиши сизга ёқмаса, ана катта кўча!

Малика қайнонаси кетгач, ўғлини бир-икки калтаклаб олди. Барибир аламидан чиқмади. Телевизорни қўйди. Наҳотки, энди шуниям сотишга тўғри келса? Унинг юраги увишди. Нима қилса эрини қутқариб қолади? Боши қотди. Шу тобда кунда кир ювиш машинаси борлигини рўкач қилиб мақтанадиган қўшниси Зебодан нафратланиб кетди. Барига у сабабчидек туюлди.

Омон бир ойча касалхонада ётди, аммо оёқларининг оғриғи тарқамади. Қайтанга кучайди. Бўлиб ўтган ишлардан юраги ғаш бўлганигами ёки асаблари обдон чарчаганигами оғриқ сира кетай демасди. Текширувлар натижаси унинг юраги носоғломлигини тасдиқлади. Узоқ даволанишдан кейин Омон уйига эмас, онасиникига қайтди. Ўн йилгина бирга ҳаёт кечирган бўлсада, Маликанинг бирор маротаба бўлсин ундан рози бўлганини ёки олиб келган пулларининг қадрига етганини эслолмайди. Агар укаси бўғзигача қарзга ботиб акасига мадад қўлини чўзмаганида Омоннинг иши терговга оширилган бўларди. У учун жарима тўлаган укаси ҳам жўжабирдай жон. Болаларининг ризқини қийиб, акасини суяди. Елкасини қарзнинг зилдай юки босиб турганида Маликани кўришга тоқат қилолмайди. Онасиникида ўзига келиб олгач, бирор тайинли иш топади. Яхшиси, вақтинча бирга яшамаганликлари маъқул, ўғлини эса ўзи тарбиялайди. Шусиз ҳам бола қўпинча бувисининг олдидан келмайди.

Малика эрининг касалхонадан чиқиб, тўғри онасиникига кетганини эшитиб йиғлаб юборди. Омоннинг қайтиши қийин. Начора, дарз кетган кўнгилни бутлаб бўлмас экан...

Нигора ШОФАЙЗИЕВА.

БИЛАСИЗМИ?

ТАБИИЙСИГА НИМА ЕТСИН

Ёз ойи бошланиши билан тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёж янада ортади. Чанқовни қондириш учун оддий сувдан тортиб, турли кимёвий қўшимчалар қўшилган ичимликлар ҳам истеъмол қилинади. Бироқ, улар инсон саломатлигига салбий таъсир этиши мумкин. Аксинча, олча, ўрик, гилос, шафтоли, олма шарбатлари, узум, тут шинниси кишига қувват беради, ақлий фаолиятни кучайтиради. Икки қошиқ шинни қўшилган чой ёки қайнатилган сув организмнинг кундалик кальций, темир, магний ва бошқа витаминларга бўлган эҳтиёжини қондириш хусусиятига эга.

ГЎШТНИ ҚАЙТА ИШЛОВЧИЛАР УЧУН МАХСУС!

Ташкилот Воронежда тайёрланган 325 литр ҳажмдаги вакуумли куттер ва яхши ҳолатдаги гўштқиймалагич сотади. Куттер пичоқларининг 4 та янги жамламаси ва гўштқиймалагич учун 2 та жамлама пичоқлар тавсия этади.

Кафолат ва хизмат кўрсатиш муддати – 1 йил. Ҳақи пул ўтказиш йўли билан тўланади.

Маълумот учун телефонлар: 724-70-00, 724-60-00.

РАССОМ ХАНДАСИ

Ҳусан СОДИҚОВ чизган расм.

ООО "FAROVON HAYOT SARMOYALARI" (зарегистрированное в ИПРСП Чиланзарского хокимията г. Ташкента № 0030350 от 19.06.2007г.), расположенный по адресу: г. Ташкент, Чиланзарский район, 2-квартал, д. 48, извещает о реорганизации общества путем присоединения к ООО "Maqsad Invest". Все права и обязанности ООО "FAROVON HAYOT SARMOYALARI" передает ООО "Maqsad Invest".

Претензии принимаются в течение 30 дней по тел.: 111-27-20.

Общество с ограниченной ответственностью "TEMIRYO`LKITOBSAVDO", зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Мирабадского района г. Ташкента за № 03-000442 от 16.08.2002г., расположенное по адресу: г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Т. Шевченко, 7, (ИНН 201052222), **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (согласно решения учредителя № 1 от 09.07.2010г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев с момента опубликования указанного объявления.

СП "CONDITIONER" извещает о своей реорганизации в ООО "CONDITIONER" и об уменьшении уставного фонда с 300 000 долларов США до 17 250 247сум.

Тел.: (+99871) 294-63-63.

ООО "Marakand Vektor", зарегистрированное в хокимияте Мирзо Улугбекского района 08.01.2007г. за № 002563-04, расположенное по адресу: г. Ташкент, М. Улугбекский р-н, ул. А. Икрамова, 13 (ИНН 300121498) извещает о реорганизации общества путем присоединения к ООО "Maqsad Invest". Все права и обязанности ООО "Marakand Vektor" передает ООО "Maqsad Invest".

Претензии принимаются в течение 30 дней по тел.: 155-53-17.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис: **Тошкент вилояти ҳокимлиги**

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир **Жўра САЪДУЛЛАЕВ**
Навбатчи **Ирода НОРБОЕВА**
Саҳифаловчи **Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ**

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-640. Адади 5995. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. **ISSN 2010-9318.**

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. *"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.00. 1 2 3 5